

# Тазкия 184-дарс. Бахилларга ажойиб маслаҳат



19:05 / 16.05.2022 2679

Бахилликнинг асосий сабаби молга бўлган ортиқча муҳаббатdir. Бу муҳаббатнинг икки сабаби бор:

Биринчиси – орзуни узун қилган ҳолда молсиз эришиб бўлмайдиган шаҳватларга муҳаббат қўйиш. Умиди узун бўлмаса, бола-чақаси ҳам узун орзу ўрнига ўтаверади.

Иккинчиси – молни ўзига муҳаббат қўйиш.

Баъзи одамларнинг бир умрга етиб, ортадиган мол-мулки бўлади. Ўзи қариб, бир оёғи тўрда-ю, бир оёғи гўрда ахволда бўлади. Шунда ҳам ўзига вожиб бўлган молни чиқармайди, садақа ҳам қилмайди. Ўлса, моли душманларига қолишини ёки зое бўлишини ҳам билади. Бу давоси йўқ дарддир.

Бу худди бир одамни яхши кўриб юриб, унинг элчиси келганда маҳбубни қўйиб, элчини яхши кўриб қолган одамга ўхшайди. Зотан, мол-дунё ҳожатларни чиқарувчи элчидир. Ҳожатини эсидан чиқариб, воситанинг ўзига муҳаббат қўйиш залолатдан бошқа нарса эмас.

Ҳар бир нарсанинг иложи унинг зидди билан бўлади. Шаҳватларга берилиш қаноат ва сабр билан даволанади. Умидни узун қилиш ўлимни кўп эслаш билан даволанади.

Ўзида баҳиллик дардининг аломатларини сезган одам унинг ёмонлиги ҳақидаги оят ва ҳадисларни кўп ўқиб юрсин. Баҳилликнинг заарлари ва оқибатини эсга олсин. Сахийликни эсга солувчи оят ва ҳадисларни ўқиб, амалини шунга тўғриласин.

**«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди**